

Фикҳ дарслари (153-дарс) Намознинг ташқарисидаги фарзлар (иккинчи мақола)



17:30 / 09.09.2021 5191

«مَلَسُوهُ لَعَلَّ يَلْصِقَ لَوَسْرَ لِقِاقِ لِقَاقِ نَعُومِ لَلَّيْ صَرَسَنَ أَنْعَ نَنْسِلَ أَبْصَاهُ أَوْرَ» «مَقَالُ أَوْلَادِ نَبِّ دَرْيَالِ عُدَالِ

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Намозхоннинг бадани, кийими ва макони бетаҳоратлик ва ҳақиқий нажосатдан пок бўлиши...

Бетаҳоратликдан пок бўлиш шартининг далили:

Аллоҳ таоло Моида сурасида:

«Ва кийимингни покла», деган (4-оят).

Кийимни поклагандан кейин баданни ва маконни поклаш яна ҳам зарур бўлади.

Кийимнинг пок бўлиши шартлигига далил:

يَبْنِي لِبَوْتِنِمْ بَانَ جَلَّ سَعَا تَنْكَ ؛ تَلِاقَاهُ نَعُوْهُ لَلِ يَضَرَّةَ شَائِعُوْ نَعُوْ
«وَبَوْتِيْ فِ اَمَلِ اَعْقُبْنِ اِوَالِ صِلَا لِيْ اُجْرَحِيْ فِ مَلَسُوْ هِي لَلِ اِي لَص
ةَسْمَحْلَا هَاوْر

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«У киши:

«Мен Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кийимларидан жунублик асарини ювиб қўяр эдим. Ул зот намозга кийимларидаги сувнинг ҳўли билан чиқар эдилар», дедилар».

Бешовлари ривоят қилишган.

Намозхоннинг кийими сажда пайтида нажосатга тегса зарар қилмайди. Агар нажосат оёқлари остида, пешонасини қўядиган ерда ва икки қўли ёки тиззасини қўядиган жойда бўлса, намози бузилади.

Афв қилингандан кўп миқдордаги нажосат ила уни билмасдан ўқиган одамнинг намози ботил бўлади. Қазосини ўқиши лозим бўлади.

Кийимнинг тўртдан бири пок бўлса-ю, ундан бошқа кийим бўлмаса, унда намоз ўқиш жоиз. Ундан ози пок бўлса, яланғоч ўқиш жоиз.

Кийимга нажосат теккани маълум бўлса-ю, қаерига теккани аниқ бўлмаса, бир тарафини ювиб ташлаб, намоз ўқийверса бўлади.

Тухум палағда бўлиб, унинг ичидаги қонга айланган нарса кийимга тегса, бу кийим билан намоз ўқиш жоиз.

Баданнинг пок бўлиши шартлигига далил:

لَلِ اِي لَصِيْبِنِ لَلِ اِيْ شِيْبِيْ بِيْ اُتَنْبُ مَطَافُ تَعَا ج ؛ تَلِاقَاهُ شَائِعُوْ نَعُوْ
عَدَافَا رُوْطَا اَلْفُ صَا حَ تَسَا ةَ اَرْمَ اِيْنِ ؛ هَلَلِ اَلْوَسَرِ اِي ؛ تَلِاقَاهُ مَلَسُوْ هِي لَلِ
تَلَبُّقَا اَذِ اِف ؛ ةَ صِيْ حَلِ اَبَسِيْ لَوُ قُرْعِ كَلِ ذَا مَنِ اِنِ ، اَل « ؛ لِ اَقَافِ ؟ ةَ اَلِ صِلَا

هُأَوْرُ . «يَلَّصَوَّ مَدَّلَا كُنَّ عَيْلَسُنَّ عَافٌ تَرَبُّدًا إِذْ إِوَّ ءَا لَّصَلَّ يِي عَدَفُةٌ ضَيَّحٌ لَّ
هُسُّمَّحٌ لَّ

Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Фотима бинти Абу Ҳубайш Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб:

«Эй Аллоҳнинг Расули! Мен истехоза бўламан, пок бўлмайман. Намозни қўяманми?» деб сўради. У зот:

«Йўқ. Бу томир касаллигидир, ҳайз эмас. Қачонки ҳайз келса, намозни қўй. Қачонки у (кунлар) ўтиб кетса, ўзингдан қонни ювиб, намозни ўқийвер», дедилар».

Бешовлари ривоят қилишган.

(Давоми бор)

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди